



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРГА
РИОЯ ҚИЛИНИШИНИНГ
ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
АХБОРОТ**

**Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қили-
нишининг ҳолати тўғрисида ахборот.** – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республи-
каси Миллий маркази, 2023. – 38 бет.

Мазкур ахборотда 2022 йилда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятлар-
нинг бажарилиши борасидаги фаолиятнинг асосий йўналишлари, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари
бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ижроси тўғрисидаги маълумотлар тақ-
дим қилинган.

Мундарижа

Кириш	4
I. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ижроси	7
II. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилиши	14
III. Конституциявий ислохотлар ва инсон ҳуқуқлари	21
IV. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим	24
V. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик	29
VI. Хулоса ва таклифлар	36

КИРИШ

Жаҳон миқёсида пандемия оқибатларини тўла бартараф этишга улгурилмасдан, дунё минтақаларида рўй бераётган можаролар 2022 йилда янги глобал инқирознинг бошланишига олиб келди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, энергия ва ўғитларга нарх-навонинг кескин ошиб кетишидан, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар катта зарар кўрмоқда.



Пандемия ва глобал инқирознинг салбий таъсирларига қарамасдан, 2022 йилда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилди.

2022 йилда Ўзбекистон учун муҳим бўлган қатор тадбирлар амалга оширилди. Аҳоли мувожаатлари билан ишлаш жараёнига янги механизмларнинг татбиқ этилиши орқали қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолини қийнаб келган муаммоларни ҳал этиш, қийноқларнинг олдини олиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, сўз эркинлигини мустаҳкамлаш каби йўналишларда ижобий натижаларга эришилди.

Ўзбекистоннинг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий вакили БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг раис ўринбосарлигига сайланди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ халқаро рейтинглар ва индексларда мамлакатимиз ўрнини яхшилашга устувор аҳамият берилди. 2021-2022 йилларда қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жинойтчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнесни олиб бориш шарт-шароитлари каби рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича муайян ютуқларга эришилди. **Жами 24 та рейтингнинг 15 тасида Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланди, 3 та рейтингда давлатимиз илк маротаба эътироф этилди.** Шу билан бирга, айрим халқаро рейтингларда мамлакатимиз ўрни нисбатан пастлади.



Ўзбекистон

Демократия индекси

150
ўрин

165 та мамлакат ичида

5

2021 йилга нисбатан
юқорилади

Ҳуқуқ устуворлиги индекси

78
ўрин

140 та мамлакат ичида

7

2021 йилга нисбатан
юқорилади

Очиқ маълумотлар манбалари индекси

4
ўрин

201 та мамлакат ичида



Ўзбекистон 124 та очиқ маълумотлар
манбалари билан АҚШ, Франция
ва Испаниядан кейин
4-ўринни эгаллади

Коррупцияни қабул қилиш индекси

140
ўрин

180 та мамлакат ичида

6

2021 йилга нисбатан
юқорилади

Ҳукуматнинг сунъий интеллектга
тайёрлик индекси

79
ўрин

160 та мамлакат ичида

14

2021 йилга нисбатан
юқорилади

«Иқтисодий эркинлик» индекси

117
ўрин

«Асосан эркин бўлмаган мамлакатлар»
гурӯҳида қолди

9

2021 йилга нисбатан
пастлади

Мобил интернет нархи
энг паст бўлган давлатлар

15
ўрин

233 та мамлакат ичида

6

2021 йилга нисбатан
юқорилади

"Суд фаолияти самарадорлиги" индекси

13,1
балл

Ўзбекистон амалдаги 50,8 балдан
13,1 балгача пастлади

37,7
балл

2021 йилга нисбатан
пастлади

2022–2026 йилларга мўлжалланган **Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди**. Ушбу дастурий ҳужжатда яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимизнинг ривожланиш тенденциялари қандай бўлиши, бу борадаги устувор вазифалар белгиланди. **“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари”** деган тамойил асосида ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигига эришишга алоҳида эътибор қаратилиб, инсон ҳуқуқларини таъминлашда **“ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик”** тамойилига асосланildi.

Аҳолининг кенг қатламлари ва сайловчилар хоҳиш-иродаси бўлмиш конституциявий ислохотларни амалга ошириш ҳамда давлат ва жамиятда рўй берган туб ўзгаришларнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2022 йил 20 май куни Олий Мажлис палаталари кенгашлари томонидан Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия тузилди. **“Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги конституциявий қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятига кўра, **“инсон – жамият – давлат”**, **“Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат”** деган тамойилларни конституциявий қоида сифатида муҳрлашга, халқпарвар давлат барпо этишга, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган очиқлик ва хоҳиш-иродани эркин ифода этиш сиёсати қарамай, конституциявий ислохотларни нотўғри талқин қилиш оқибатида, 2022 йил 1-2 июль кунлари Қорақалпоғистон Республикасида оммавий тартибсизлик уюштиришга уринишлар бўлди. Олий Мажлис палаталари қўшма қарори билан Қорақалпоғистон Республикасида содир бўлган воқеаларни ўрганиш ҳамда улар юзасидан мустақил текширув ўтказиш бўйича комиссия тузилди. Комиссияга инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, воқеаларни ҳар томонлама ва холис ўрганиш, шунингдек, ўз фаолиятини жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда ташкил қилиш вазифаси юклатилди.

Давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида зиммасига олган халқаро мажбуриятларини самарали ижро этишга қаратилган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси** қабул қилинганлигига икки йилдан ошди ва унда белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши давом этмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (кейинги ўринларда – **Марказ**) Миллий стратегияда белгиланган вазифалар бажарилиши мониторингини мунтазам олиб бориб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган маълумотни киритиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги ПҚ-4056-сонли қарори ҳамда 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сонли фармони талабларига асосан Марказ томонидан **“Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қилинишининг ҳолати тўғрисида ахборот”** тайёрланди.

Ахборотда 2022 йилда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномалари бажарилиши ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиянинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар қамраб олинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 18 ноябрдаги СҚ-427-IV-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида ахборот тақдим этилган.

I. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ ИЖРОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан тасдиқланган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини** амалга ошириш бўйича тадбирлар давом этмоқда. Миллий стратегияни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”-нинг жами **78 бандидан 67 тасининг (85%)** ижро муддати якунланган, шундан **5 банд** бўйича ижро муддати узайтирилган, **62 банд (79%)** бўйича ишлар бажарилган, **16 бандни (21%)** амалга ошириш бўйича ишлар давом этмоқда.

2022 йилда Миллий стратегия доирасида **1 та** кодекс, **1 та** қонун, **5 та** Президент фармон ва қарорлари, **1 та** Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди, **1 та** халқаро шартнома ратификация қилинди.

Миллий стратегия “Йўл харитаси”да белгиланган бандларнинг бажарилиш динамикаси вазифалар ижроси умумий ҳолатини ижобий баҳолашга имкон беради.



Жорий йилда **Миллий стратегияни амалга ошириш бўйича қуйидаги муҳим тадбирлар амалга оширилди:**

1. 2022 йил 28 октябрь куни **“Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги** қонун имзоланди. Янги Меҳнат кодексда меҳнатга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш асослари инсоннинг меҳнат ҳуқуқларига оид халқаро стандартларга мувофиқ тақомиллаштирилди. Хусусан, инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш, уларни қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай шаклда амалга ошириш, машғулот турини, касбни ва мутахассисликни, иш жойини ҳамда меҳнат шароитларини эркин танлаш ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Меҳнат кодексда ходимнинг ҳуқуқларини таъминлаш кафолатлари **инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқ** мустаҳкамланди:

биринчидан, меҳнатга оид муносабатлар сабабли иш берувчига тақдим этилган, ходимнинг, шунингдек, унинг оила аъзоларининг ҳаётидаги фактлар, воқеалар ва ҳолатлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар ҳимояси кафолатланди;

иккинчидан, ходимларнинг йиллик асосий таътили давомийлигининг энг кам муддати йигирма бир календарь куни этиб белгиланиб, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида”ги 1970 йилги конвенцияси 3-моддасига мувофиқлаштирилди;

учинчидан, дам олиш куни ишланмайдиган байрам кунига тўғри келиб қолган тақдирда, у байрамдан кейинги иш кунига кўчирилиши тартиби киритилди;

тўртинчидан, ахборот-телекоммуникация тармоқларидан, шу жумладан интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш шарти билан иш берувчи ва ходим ўртасида масофавий меҳнат муносабатлари жорий этилиши мумкинлиги мустаҳкамланди (COVID-19 пандемияси масофавий меҳнатни қонуний тартибга солиш заруратини кўрсатиб берди);

бешинчидан, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатлар белгиланди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги **“Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги** Фармони билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг йўналишлари кўрсатилди, жумладан:

- ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш;
- мажбурий-ижтимоий кафолатлардан, шу жумладан ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнга очиқлик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш;
- ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш ҳамда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш;
- ижтимоий хизматларни аҳолига бевосита маҳалла даражасида кўрсатиш амалиёти-ни жорий этиш.

Шунингдек, Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилиб, унинг ҳисобидан вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, бахтсиз ҳодиса, иш ўринларининг қисқариши ва бошқа ҳолатларда даромадсиз қолишдан ҳимоя қилиш, барча юридик шахсларда аёлларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланиши белгиланди.

Мазкур стратегиянинг қабул қилиниши мамлакатда инсон қадрини улуғлаш, инсон манфаатлари тараққиётнинг энг олий мезони сифатида аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш имконини беради.

3. Мамлакатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар тизимли давом эттирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан **2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур** тасдиқланди. Миллий дастурда хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан:

- хусусий корхоналар ва ташкилотларда аёлларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси белгиланди;
- олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун фоизсиз таълим кредитлари жорий қилинди, магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг шартнома туловларини давлат томонидан қоплаш тартиби белгиланди;
- ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим шартномаларини маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтариш шартсиз қоплаш тартиби жорий қилинди.

Шу билан бирга, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ислохотлар давом эттирилди. Ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш бўйича ўзига хос тизим яратилди. 2016 йилда юртимизда раҳбар аёллар сони 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 12 фоизга етди. 2022 йилга келиб эса раҳбар аёлларнинг улуши 27 фоизга, тадбиркорлар орасида эса 25 фоизга етказилди. Давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаётган **истиқболли хотин-қизларнинг ягона электрон базаси** яратилиб, унда 25 мингдан ортиқ раҳбарликка номзод хотин-қизларнинг захира рўйхати шакллантирилди.

4. 2022 йил 24 ноябрь куни Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича Республика комиссияси томонидан **БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1325-сонли “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” резолюциясини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси** ва 2022–2025 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатда қуйидаги чора-тадбирлар белгиланди:

- ҳокимият вакиллик органларида хотин-қизлар сонини ошириш;
- ижро этувчи ҳокимият органларида раҳбарлик лавозимларида хотин-қизларнинг сонини ошириш бўйича вақтинчалик махсус чора-тадбирларни қабул қилиш;
- қуролли кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда аёллар сонини кўпайтириш, ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда раҳбарлик лавозимларидаги аёлларни рағбатлантириш;
- хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларнинг ҳимоясини кенгайтириш;

- одам савдосига, жумладан аёллар ва болалар савдосига қарши курашишни кучайтириш;
- ваколатли давлат органларининг хотин-қизларга нисбатан зўравонлик хавфининг олдини олиш бўйича тайёргарлиги ва масъулиятини ошириш.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳисобга олиш ягона ахборот тизими ташкил этилди

Унга кўра:

Мамлакатда аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича **29** та марказ, шу жумладан 1 та Республика маркази, 14 та ҳудудий ва 14 та намунали туманлараро марказ самарали фаолият олиб боради.

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш Республика марказининг ҳудудий бўлимларига мурожаат қилган **5 735** нафар (шундан, 5 325 нафари аёл, 240 нафари бола, 170 нафари эркак) шахсларга зарурий ёрдам кўрсатилган.

24 919 нафар (шундан 941 нафари илгари судланган) хотин-қизлар манзилли ўрганилган. Уларнинг **3296** нафари (239 нафари илгари судланган) ишга жойлаштирилган; **3446** нафарига (266 нафари илгари судланган) моддий ва ижтимоий ёрдам берилган; даволанишга муҳтожлиги аниқланган **896** нафар (52 нафари илгари судланган) хотин-қизлар тиббиёт диспансерларига жойлаштирилган; **806** нафарига (68 нафари илгари судланган) шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини қайта тиклашда, **1213** нафарига (16 нафари илгари судланган) тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатилган.

2022 йил давомида оилаларда ўтказилган суҳбатлар орқали зўравонликдан жабрланган ва тазйиққа учраган **41 598** нафар (2021 йилда 32 154 нафар) хотин-қизлар аниқланиб, барчасига "Ҳимоя ордери" расмийлаштирилган. Уларга нисбатан зўравонлик муносабати ёки тазйиқ ўтказган **37 524** нафар шахсларга (2021 йилда 66 117 нафар) чекловлар ўрнатилиб, профилактика инспекторлари томонидан назоратга олинган.

"Ҳимоя ордери" расмийлаштирилган шахсларнинг муаммоларини ҳал этиш натижасида **20 753** та (2021 йилда 17 012 та) оила яраштирилган, **17 884** та (2021 йилда 12 404 та) низоларнинг асл сабаблари бартараф этилган.

Ўрнатилган чекловларга амал қилмасдан, профилактик иш таъсирига тушмаган ва ўзи учун тўғри хулоса чиқармаган **2 379** нафар (2021 йилда 1099 нафар) шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши таъминланган.

5. Қийноққа солишдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни компенсация қилишнинг ҳуқуқий тартиби мустаҳкамланди. 2022 йил 29 март куни **"Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун қабул қилиниб, тер-

говга қадар текширувчи амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суд томонидан ҳар қандай қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш натижасида фуқарога етказилган зарар давлат томонидан тўла ҳажмда қопланиши белгиланди.

Шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ва Қийноққа қарши қўмиталарининг тавсияларига мувофиқ, **“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонуний асосларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Қонун лойиҳаси қийноқ ҳолатларининг олдини олишнинг амалдаги механизмларини такомиллаштириш ва янги механизмларни жорий этишга қаратилган бўлиб, унга биноан Жиноят-ижроия кодекси “Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича Миллий превентив механизми” деб номланган 4¹-боб билан тўлдирилмоқда. Мазкур бобда, миллий превентив механизм иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мониторинг ташрифлари яқунлари бўйича тавсиялар бериш тартиби ва бошқа масалалар ўз аксини топган.

6. Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари доимий диққат-эътиборда бўлиб, уларнинг жамиятга интеграциялашиши, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётда фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 февралдаги **Фармони билан ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари белгиланди**. Жумладан:

- ногиронлик пенсиялари, шу жумладан иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсияси ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақасининг энг кам миқдори оширилди;
- ўзгалар парваришига муҳтож, ногиронлиги бўлган, 18 ёшга тўлмаган болаларнинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакилга ҳар ойда бериладиган нафақа тўлови жорий этилди.


Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги **“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори билан имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш миллий дастури тасдиқланди. Унга кўра, 2022 йилда **12146** нафар имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар бандлигига кўмаклашиш белгиланиб, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорида субсидия берилиши мустаҳкамланди.

7. Мамлакатимизда **болалар меҳнатига батамом барҳам берилди**, мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатлари кескин қисқарди, одам савдоси қурбонлари учун бошпана ташкил қилишга маблағ ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада эришилган натижалар халқаро ҳам-жамият томонидан кенг эътироф этилмоқда. 2022 йил 10 март куни пахтадан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва улар билан савдо қилувчи жаҳондаги етакчи компанияларни бирлаштирувчи **“Cotton Campaign”** коалицияси Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати батамом бартараф этилганлигини тан олиб, Ўзбекистон пахтасига қўйилган бойкотни бекор қилди.

28 сентябрь куни эса АҚШ Меҳнат вазирлигининг **“Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рўйхати – 2022”** йиллик ҳисоботи эълон қилинди. Ун-

га кўра, АҚШ ўзбек пахтасини болалар ва мажбурий меҳнат орқали ишлаб чиқарилган товарлар рўйхатидан чиқарди.

Мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолатларининг олдини олишни назорат ва мониторинг қилиш тадбирлари



Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасига доир қонунчилик базасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ишлари изчил давом эттирилди. Хусусан, 2022 йилда жами 11 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат (шундан 3 та қонун, 3 та Президент фармони, 1 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 4 та қарори) қабул қилинган ва амалиётга татбиқ этилган.

8. Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш чоралари кенгайтирилди. Ўзбекистонга қайтган меҳнат мигрантларига кўмак бериш ва уларнинг қайта интеграциялашувини таъминлаш тизими шакллантирилди. Меҳнат мигрантлари оилаларининг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал қилиш, уй-жой шароитларини яхшилаш оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш орқали уларнинг даромадлари ва турмуш даражасини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар давом эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги **“Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарори билан хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш чоралари белгиланди. Унга кўра, мигрантларнинг моддий ёрдамга муҳтож оилаларига, ногиронлиги бўлган оила аъзоларига, болаларига моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнат мигрантларига турли компенсациялар тулаш тартиби белгиланди.

9. Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизм янада такомиллашмоқда. Соҳадаги кенг кўламли ислохотлар изчиллигини таъминлаш мақсадида инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли муҳим.

2022 йил 24 август куни Тошкент шаҳрида **“Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳамкорлиги”** мавзусида Мил-

лий форум ташкил этилди. Миллий форумда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда ушбу йўналишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказиш амалиётини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

10. Инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий-ҳуқуқий базани тизимли шакллантиришга ҳамда 2021–2023 йилларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида Ўзбекистон Республикаси аъзолигини самарали амалга оширишга қаратилган тадбирлар давом эттирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 мартдаги қарори билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида **Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-кутубхона маркази – “Инсон ҳуқуқлари уйи”** ташкил этилди. Шунингдек, ушбу қарорда инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий-ҳуқуқий базани тизимлаштириш, ўқув, илмий-услубий ва оммабоп нашрлар ҳамда халқаро шартномаларнинг давлат тилидаги нусхалари доимий чоп этилишини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотларнинг хронологиясини юритиш, фуқаролар ва илмий тадқиқотчиларга инсон ҳуқуқлари бўйича тизимлашган илмий-ҳуқуқий манбалардан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратиш вазифалари белгиланди.



Миллий стратегия билан белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги ютуқлар билан бирга айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, Миллий стратегия доирасидаги тадбирларни амалга ошириш муддатларининг чўзиб юборилиши ҳолатлари мавжуд.

Биринчидан, Миллий стратегия билан белгиланган “Оммавий тадбирлар”, “Судьялар ҳамжамияти органлари”, “Хусусийлаштириш”, “Ижтимоий тадбиркорлик”, “Мажбурий тиббий суғурта”, “Адвокатура ва адвокатлик фаолияти”, “Тенг муомала қилиш ва камситмаслик тўғрисида”ги, “Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишлари якунланган бўлса-да, улар ҳали ҳануз қабул қилинмаган. Шунингдек, Ахборот кодекси ва Аҳоли соғлиғини сақлаш кодекси лойиҳаси Миллий стратегия билан белгиланган муддатларда ишлаб чиқилмаган.

Иккинчидан, Миллий стратегия “Йўл харитаси”нинг қонунчиликни такомиллаштириш билан боғлиқ айрим бандлари бўйича қонун лойиҳалари лозим даражада тайёрланмаганлиги учун Олий Мажлис Сенати томонидан рад этилган. Жумладан, Уй-жой кодексининг янги таҳрири, “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги ҳамда “Ижтимоий тадбиркорлик асослари тўғрисида”ги қонунлар илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси ва ҳуқуқшунос олимлар фикрларини чуқур таҳлил этган ҳолда такомиллаштириш учун қайтарилган.

II. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ

БМТнинг шартномавий қўмиталарида инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистоннинг миллий маърузаларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш натижаларини депутатлар ва сенаторлар томонидан мунтазам эшитиб бориш, шартномавий қўмиталарнинг тавсияларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаларини Олий Мажлис палаталарида тасдиқлаш амалиёти такомиллашмоқда.

I. Жорий йилда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг **3 та миллий маърузаси** БМТ шартномавий қўмиталарида эшитилди:

1. БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси бажарилиши бўйича Олтинчи миллий маъруза;
2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни бажариш бўйича Учинчи миллий маъруза;
3. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бажарилиши бўйича Бешинчи миллий маъруза.

Миллий маърузалар муҳокамасида илк бор Марказ томонидан **10 дан ортиқ** нодавлат нотижорат ташкилотларнинг онлайн иштироки таъминланди. Миллий маърузалар бўйича Якуний мулоҳазаларда ўз ифодасини топган тавсияларни амалга ошириш учун Миллий ҳаракатлар режаларининг лойиҳалари манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича **Парламент комиссиясига** тақдим қилинди.

1. 2022 йил **15-16 февраль кунлари БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш қўмитасининг 81-сессиясида** Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистоннинг Олтинчи миллий маърузаси кўриб чиқилди.

Қўмитанинг Ўзбекистон Республикаси миллий маърузаси бўйича Якуний мулоҳазалари тақдим этилди. Ўз мулоҳазаларида Қўмита Ўзбекистоннинг қонунчилик ислохотларини ўтказишда эришилган ижобий ўзгаришларни юқори баҳолади ва гендер тенгликка кўмаклашишга қаратилган саъй-ҳаракатларни эътироф этди.

Шу билан бирга Қўмита қуйидаги тавсияларни тақдим қилди, жумладан:

- хотин-қизларни давлат ва хусусий соҳаларда камситишнинг бевосита ва билвосита, шунингдек, аралаш шаклларида қарши қонун ҳужжатларини қабул қилиш;
- хотин-қизлар иштироки пастроқ бўлган барча соҳаларда, давлат ва хусусий секторда, этник озчилик гуруҳларга мансуб ва ногиронлиги бўлган хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилиб, гендер тенгликка эришиш стратегияси сифатида вақтинчалик махсус чораларни қабул қилиш ва амалга ошириш;

- қонун ҳужжатларига оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, жабрланганларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиши зарурлиги тўғрисида хабардорликни ошириш ишларини фаоллаштириш;

- таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш хизматини, жумладан, туну кун ишлайдиган “ишонч телефонлари”, яшаш жойи, тиббий хизмат, руҳий-ижтимоий маслаҳат ва иқтисодий ёрдам орқали кучайтириш тавсия қилинди.

БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш қўмитасининг якуний тавсияларини амалга ошириш юзасидан 2022–2025 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2022 йил 19 декабрдаги Қўшма қарори билан тасдиқланди.

2. 2022 йил 22–24 февраль кунлари БМТ Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг 71-сессиясида Ўзбекистоннинг Учинчи миллий маърузаси кўриб чиқилди. Қўмита Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт нормаларининг бажарилиши юзасидан ўзининг Якуний мулоҳазаларини тақдим этди. Якуний мулоҳазаларда Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ижобий баҳоланиб, Халқаро пакт талабларини амалга оширишни давом эттириш юзасидан тавсиялар ўз ифодасини топди. Жумладан:

- фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари хусусий компаниялар томонидан бузилганлиги учун қонуний жавобгарликка тортиш чораларини кўриш, жабрланувчиларни тегишли ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлик, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлардан фойдаланишини таъминлаш чораларини кўриш, барча даражадаги инклюзив таълимни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш ҳамда ўқитувчи ва педагогларнинг тегишли тайёргарлигини таъминлаш;

- квоталар тизимини мустаҳкамлаш ҳамда аёлларнинг ҳудудларда раҳбарлик ва қарор қабул қилиш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаши даражасининг етарли эмаслиги муаммосини ҳал қилиш чораларини кўриш;

- қишлоқ ҳудудларида аҳолининг, шу жумладан ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш.

БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг якуний тавсияларини амалга ошириш юзасидан 2022–2026 йилларга мўлжалланган **Миллий ҳаракатлар режаси** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2022 йил 19 декабрдаги Қўшма қарори билан тасдиқланди.

3. 2022 йил **31 август – 1 сентябрь кунлари БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 91-сессиясида** Ўзбекистоннинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бажарилиши юзасидан Бешинчи миллий маърузаси кўриб чиқилиб, Қўмитанинг Якуний мулоҳазалари тақдим қилинди.

Якуний мулоҳазаларда Қўмита қуйидаги тавсияларни берди:

- чекка ҳудудлар ва иқтисодий ночор оилаларни интернет билан таъминлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, болалар, ўқитувчилар ва оилаларнинг рақамли саводхонлиги ва кўникмаларини ошириш;

- озиқ-овқат хавфсизлиги, сув таъминоти ва санитария масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва иқлим ўзгаришининг болалар саломатлиги ва ривожланишига таъсирини юмшатиш, бу йўналишдаги дастурларга эътиборни кучайтириш;

- назоратсиз болалар тўғрисида маълумотлар йиғишни йўлга қўйиш, уларни ҳимоя қилиш, соғломлаштириш ва уларга ёрдам беришни таъминлаш, назоратсиз болалар одам савдоси, иқтисодий ва жинсий эксплуатация қурбони бўлишининг олдини олиш механизмларини кучайтириш.

Ҳозирги кунда Қўмита Якуний мулоҳазарида кўрсатиб ўтилган тавсияларни амалга ошириш юзасидан Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда.

II. **Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги Халқаро конвенция** қоидаларини бажариш бўйича Ўзбекистоннинг Ўн учинчи - Ўн тўртинчи миллий маърузаси 2022 йил 27 октябрда БМТнинг Ирқий камситишни тугатиш қўмитасига топширилди. Миллий маърузани тайёрлашда 30 та давлат органлари ҳамда 10 дан ортиқ фуқаролик жамияти институтлари иштирок этди.

Миллий маъруза Вазирлар Маҳкамаси билан ўрнатилган тартибда келишилди ва 2022 йил 21 октябрда Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича парламент комиссиясида муҳокама қилинди. Миллий маъруза матнида мамлакатимиздаги этник гуруҳлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фуқароликни беришда тўсиқларни бартараф этиш ва фуқароликни йўқотишнинг олдини олиш, этник гуруҳлар учун ўз она тилида таълим ва тарбия бериш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилётган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар қамраб олинди.



БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 91-сессиясида Ўзбекистоннинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бажарилиши юзасидан Бешинчи миллий маърузасини кўриб чиқиш жараёни. 2022 йил 31 август – 1 сентябрь

III. Жорий йилда **инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни қонунчиликка ва ҳуқуқий амалиётга имплементация қилиш доирасида қабул қилинган қонунларнинг ҳудудлардаги ижроси мониторинг қилиниб**, бу борада йўл қўйилган камчиликлар аниқланди.

1. **2022 йилнинг май ойида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бажарилиши ҳолати мониторинг қилинди.** Мониторинг ўтказиш мақсадида 30 га яқин давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига тегишли саволномалар юборилди. Мониторинг натижасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар аниқланди. Хусусан:

- ногиронлиги бўлган шахсларга давлат ташкилотлари ва хусусий секторнинг потенциал ходимлари сифатида эмас, балки асосан хайрия ва реабилитация ёрдами олувчилар сифатида қараш сақланиб қолинган;
- ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларни моддий қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари йўлга қўйилмаган;
- ногиронлиги бўлган шахсларни касб-ҳунарга ўқитиш тизими самарали йўлга қўйилмаган;
- олий таълим муассасалари ва мактаблар бинолари ногиронлиги бўлган шахслар мустақил ҳаракатланиши учун қулай эмас;
- таълим муассасаларида Брайль алифбосидаги дарсликлар етарли эмас;
- метро бекатларида платформа ва вагон ўртасида катта бўшлиқ мавжуд бўлиб, ногиронлар аравачасидан фойдаланувчилар поезд вагонига мустақил кириб-чиқишига қўшимча тўсиқлар яратмоқда. Жумладан, 43 та метро бекатидан фақат 12 тасида (27,9%) ногиронлиги бўлган шахсларнинг кириши учун барча шароитлар (лифт, пандус, тактил йўлак) мавжуд. Шунингдек, лицензияланган 7079 та автобусдан фақатгина 690 таси (10 фоизга яқини) ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун мослаштирилган;
- метро ва автобус бекатларини қуриш бўйича лойиҳа ҳужжатлари қулай жисмоний муҳитни яратиш бўйича ногиронлар жамоат ташкилотлари томонидан экспертизадан ўтказилмаган.



Мониторинг хулосаларига асосан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун қуйидагилар тавсия этилди:

- “Қулай жисмоний муҳит” Давлат дастурини ишлаб чиқиш.
- олий ўқув юртларида инклюзив таълим ва қулай жисмоний муҳит масалалари бўйича жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш.
- БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини амалга ошириш бўйича Ўзбекистоннинг Биринчи миллий маърузасини тақдим қилиш;
- ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш ва жамоатчилик муҳокамалари ўтказиш амалиётини кенгайтириш.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш бўйича 2023–2025 йилларга мўлжалланган **Миллий ҳаракатлар режаси** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2022 йил 19 декабрдаги Қўшма қарори билан тасдиқланди.

2. 2022 йил 13-14 октябрь кунлари Тошкент вилояти ва 20-21 октябрь кунлари Фарғона вилоятида **Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция** асосида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ижроси ўрганилди.

Ўрганиш натижалари бўйича мазкур вилоятларда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, мутасадди кадрларнинг малакасини, фуқароларнинг хабардорлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўрилмаган; Тошкент вилоятида хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилмаган; жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш чора-тадбирлари самараси паст. 2022 йилда Тошкент вилояти бўйича жами 5511 та ҳимоя ордери берилган, бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 46% га ошган. Хотин-қизлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари эса 2021 йилга нисбатан 2,2% га ортган. Фарғона вилоятида ваколатли органлар ва ташкилотлар ўртасида хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тезкор ахборот алмашинуви тизими йўлга қўйилмаган.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф қилинмоқда:

- “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига “оиладаги зўравонлик” ва “хотин-қизларни таъқиб этиш” каби тушунчаларни киритиш ва оиладаги зўравонлик учун алоҳида жиноят таркиби сифатида жавобгарлик белгилаш;
- Оиладаги зўравонликни ўз вақтида аниқлаш бўйича ички ишлар органлари ва маҳалла ходимларининг малакасини ошириш;
- Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларга психологик, ҳуқуқий, тиббий, ижтимоий ёрдамни кенгайтириш мақсадида барча туман (шаҳар)ларда “Ижтимоий мослашув маслаҳатхона”ларини ташкил этиш.


3. Жорий йилда **жазони ижро этиш муассасаларида суд ҳукми билан тайинланган жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга** яратилган шарт-шароитларни ўрганиш бўйича мониторинг ташрифлари амалга оширилди. Жумладан, 26–27 апрель кунлари Тошкент вилоятида ҳамда 24-27 октябрь кунлари Навоий вилоятида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларида ўтказилган мониторинг ташрифи давомида маҳкумлар, жумладан, пенсия ёшидаги, ногиронлиги бўлган ва меҳнатга лаёқатсиз бўлган маҳкумлар учун яратилган шароитлар, жумладан, уларнинг даволаниши, дам олиши,

озиқ-овқатининг сифати, меҳнат шароитлари, муассаса ходимларининг уларга нисбатан муомаласи, тазйиқ ва зўравонликлар содир этилиши билан боғлиқ масалалар ўрганилганда қуйидаги муаммо ва камчиликлар аниқланди:

- 1 ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган маҳкумларнинг айримларида жазони ўташига тўсқинлик қиладиган доимий даволанишга муҳтож касалликлар мавжуд бўлиб, мазкур касалликлар “Маҳкумларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхати”га киритилмаган;
- даволаш профилактика ёрдам кўрсатиш ходимлари (асосан олий маълумотли шифокорлар) етарли эмас, уларга туланадиган маош миқдори ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ходимларга нисбатан кам;
- муассасалардаги даволаш пунктларининг моддий-техника базаси лозим даражада эмас, масалан, рентген, УЗИ аппаратлари мавжуд эмас, шунингдек, уларни ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун мослаштириш керак;
- муассасалардаги ишлаб чиқариш бинолари, ишлаб чиқариш цехларидаги дастгоҳлар эскирган, уларни янгилаш керак;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси – “Lex.uz”дан, шунингдек, “Advice.uz” ҳуқуқий ахборот порталидан фойдаланган ҳолда маҳкумларга керакли бўлган ҳуқуқий ахборотни тақдим этиш имкониятини яратиш лозим.

IV. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка ва ҳуқуқий амалиётга имплементация қилиш доирасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизадан ўтказилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалаларига тааллуқли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг экспертизадан ўтказилиши



2021 йилда жами **104 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилган бўлса, **2022 йилда** ушбу кўрсаткич **95 тани** ташкил этмоқда (**88 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат “**Project.gov.uz**” портали орқали экспертизадан ўтказилган). Шулардан: **58 та** қонун, **10 та** Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, **5 та** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, **20 та** Вазирлар Маҳкамаси қарори, **2 та** Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳалари инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилган. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг **55 таси** эътирозлар билан келишилган бўлиб, уларни такомиллаштириш бўйича жами **230 дан ортиқ** таклифлар билдирилган.

Жумладан **2022 йилда** Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Фуқаролик-процессуал, Иқтисодий-процессуал, Оила, Солиқ, Маъмурий суд ишларини юритиш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи **22 та** қонун лойиҳалари ҳамда Жазони ижро этиш кодекси лойиҳаси инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилган.

III. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Инсон қадри улуғланган Янги Ўзбекистон учун янгиланган конституция зарурлигидан келиб чиққан ҳолда, Асосий қонунни такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш мақсадида **400 дан ортиқ** халқаро конвенция, декларация, резолюция ҳамда конституциявий ривожланиш бора-сида **193 мамлакат** тажрибаси таҳлил қилинди. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси тайёрланди. Лойиҳада **Конституциянинг 60 дан ортиқ моддасига, жумладан, инсон ҳуқуқларига тааллуқли 34 моддасига ўзгартириш киритиш, 6 та янги моддани, шу жумладан, инсон ҳуқуқларига тааллуқли 5 та янги моддани киритиш назарда тутилган.**

Лойиҳага кўра, Конституциянинг 24-моддасига, “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади”, деган янги норма қўшилмоқда. Яшаш ҳуқуқи – ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқи бўлиб, Конституцияга киритилаётган янги норма ушбу ҳуқуқ ҳар кимнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида тан олинishiга асос бўлиши, шу тариқа давлатимиз бу ўта жиддий масалада ҳеч қачон ортга қайтмаслиги назарда тутилган.

Лойиҳада шахс суднинг қарорига қадар кўпи билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги (“Хабеас корпус” институти), шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши шарт эканлиги (Миранда қоидалари), шунингдек, судланган шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари ҳуқуқлари кафолатларининг бузилишига чек қўйиш, “озодликдан маҳрум этилган барча шахсларга нисбатан инсоний муносабат ва уларнинг қадр-қиммати таъминланиши шарт” эканлиги ҳақидаги нормалар акс эттирилди.

Шу билан бирга, фуқароларнинг мамлакат ичида эркин ҳаракатланиш, яшаш жойини эркин танлаш, мамлакатдан тўсиқларсиз чиқиш ва қайтиш ҳуқуқи, аҳоли уй-жойларининг ноқонуний бузилиши ёки тортиб олинishi ҳолатларига бутунлай барҳам бериш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, муҳтож тоифаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятлари белгиланиши назарда тутилди.

Шунингдек, лойиҳада аёллар, болалар, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва нуронийлар, мигрантлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизми такомиллаштирилди. Экологик ҳуқуқлар ҳимояси илк бор ўз ифодасини топди.

Янги Ўзбекистонни инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойили ҳукмрон бўлган кучли ва адолатли фуқаролик жамиятига айлантириш ғояси асосида фуқаролик жамияти институтларининг мақоми-ни конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш мақсадида илк бор “фуқаролик жамияти инсти-тутлари” ибораси киритилмоқда. Маҳаллалар, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти институтлари қаторида қайд этилмоқда. Вазирлар Маҳкамасига фуқаролик жамияти институтла-рини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш вазифаси юклатилмоқда. Фуқаролик жамияти институтларига Ўзбекистон Республикаси бюджетининг шакллантирилиши ва ижро этилиши усти-дан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколати берилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлиги юзасидан **“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги** конституциявий қонун ло-

йиҳасига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро шартномалардаги халқаро мажбуриятлардан келиб чиқиб, **Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг хулосаси** берилди.

Шунингдек, лойиҳа юзасидан **БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар бошқармаси** томонидан виждон эркинлиги, фикр ва сўз эркинлиги, шахсий маълумотлар дахлсизлиги, эркин ҳаракатланиш, йиғилишлар ўтказиш ва уюштиш ҳуқуқи бўйича шарҳ ва таклифлар тақдим қилинди.

Бугунги кунга қадар Конституцияни такомиллаштириш бўйича **220 мингдан ортиқ** таклифлар келиб тушган ва таклифлар келиши давом этмоқда. 2022 йил 24 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир ишларни давом эттириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар билан халқаро ҳамжамиятни таништириш мақсадида халқаро ташкилотлар ва экспертлар, фуқаролик жамияти вакиллари иштирокида Ўзбекистондаги конституциявий ислохотларнинг турли жабҳаларига бағишланган 100 дан ортиқ миллий ва 40 дан ортиқ халқаро форум ва жамоатчилик маслаҳатлашувлари ўтказилди.

Мазкур тадбирларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар ва уларда инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ўрни бўйича таклифлар илгари сурилди. Хусусан:

- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ривожланиш дастурларини кенгайтириш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг қадр-қиммати ва ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, улар ўз салоҳиятини тўла рўёбга чиқариши учун яратилган шарт-шароитларни кенгайтириш;
- жамиятда сўз ва фикр эркинлиги учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш;
- фуқаролик жамияти институтларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;
- давлатларнинг ва минтақаларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилувчи минтақавий механизмларни яратиш, мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиш;
- референдумда фуқаролик жамияти институтлари, халқаро кузатувчилар, сайловчиларнинг инклюзив иштирокини рағбатлантириш таклиф этилди.

**Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш
мақсадида ташкил этилган халқаро форум ва жамоатчилик маслаҳатлашувлари**

2022 йил 11 май Тошкент	“Конституциявий ислохотлар: фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақоми” мавзусида халқаро анжуман ташкил этилди. Анжуман якунида жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш бўйича таклифларни ўз ичига олган Тошкент декларацияси қабул қилинди.
2022 йил 20 июнь Урганч	“«Инсон – жамият – давлат» конституциявий тамойилини амалга ошириш: миллий ва хорижий тажриба” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Конференция якунида “Давлат – инсон учун” ва “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилади” , деган ғояларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича миллий ва илғор хорижий тажрибани, шунингдек, ушбу тамойилларни конституциявий қонунчилик ва амалиётда мустаҳкамлаш борасида таклифларни қамраб олган Урганч декларацияси қабул қилинди.
2022 йил 21 июнь Тошкент	БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Хорижий давлатлар конституцияларида бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидалар” мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди. Тадбир якунида конституцияда оиланинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, болаларнинг манфаатлари ва тулиқ ривожланиши учун барча шароитларни яратиш, ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш, инсон саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги мажбуриятларни акс эттириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.
2022 йил 4 июль Женева	“Конституциявий ислохот: инсон қадри ва ҳуқуқларини таъминлаш – бош мақсад” мавзусида халқаро давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳи, Парламентлараро Иттифок, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси, Халқаро меҳнат ташкилоти, Ўлим жазосига қарши халқаро комиссия, ЮНИСЕФ раҳбарияти ва ходимлари, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси, ноҳукумат ташкилотлар фаоллари, хорижий давлатларнинг Женевадаги ваколатхоналари бошлиқлари, Швейцария оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.
2022 йил 8 июль Токио	“Конституциявий ислохотлар – инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асоси” мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар, хусусан, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий давлат, ёшлар масалалари бўйича киритиш таклиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида маърузалар қилинди ҳамда батафсил маълумот тақдим этилди.
2022 йил 20 июль Тошкент	“Жаҳон конституцияларида аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидаларнинг акс эттирилиши” мавзусида Халқаро жамоатчилик маслаҳатлашувлари ўтказилди. Тадбирда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.
2022 йил 20 июль Тошкент	“Жаҳон Конституцияларида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига оид қоидаларнинг акс эттирилиши” мавзусида Халқаро жамоатчилик маслаҳатлашувлари ташкил этилди. Жамоатчилик маслаҳатлашувлари давомида аҳолининг заиф қатламлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш бўйича миллий ва халқаро тажрибани ўрганиш, ногирон шахсларнинг ҳуқуқларини кафолатлайдиган халқаро стандартлар ва тамойилларни дунё мамлакатлари конституцияларида акс эттириш бўйича таклифлар билдирилди.
2022 йил 1 август Нью-Йорк	Ўзбекистондаги конституциявий ислохотларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси Ўзбекистонда конституциявий ислохот бўйича референдум ўтказиш режалари ҳақида ижобий фикр билдириб, бу илғор демократик стандартлар ва халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларига мос келишини эътироф этди.
2022 йил 26 август Тошкент	БМТнинг Қочоқлар бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликда 1951 йилги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш имкониятини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий тадқиқотлар муҳокамаси бўйича семинар ташкил қилинди. Семинарда Конституция ва миллий қонунчиликни 1951 йилги Конвенция қоидалари ва бошқа тегишли халқаро стандартларга мувофиқлаштириш тавсия қилинди.
2022 йил 29 сентябрь Тошкент	“Конституциявий ислохотлар: миллий ва халқаро тажриба” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унда “Халқ – қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифидир” ҳамда “Барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади” , деган тамойилларнинг ҳаётга татбиқ этилиши борасида фикр алмашилди.

IV. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим инсонларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жабҳаларда, умуман, ўз ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилишнинг барча жараёнларида тўлақонли иштирокини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар, зўравонлик ва низо-ларнинг олдини олишда муҳимдир. 2011 йил 19 декабрда қабул қилинган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси БМТга аъзо давлатларга **“инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбияни таъминлаш ва рағбатлантириш”** бўйича масъулиятни юклайди. Ҳозирга қадар 60 га яқин давлат, шу жумладан Финляндия, Германия, Корея Республикаси, Туркия, Озарбайжон Декларацияда назарда тутилган тавсиялар бўйича дастурларни қабул қилган.

2020–2024 йилларда БМТ Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи доирасида аъзо давлатларга хотин-қизлар, болалар ва ёшлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ўқув дастурларига киритиш тавсия этилган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидалари ва мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада такомиллаштириш, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”**ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қарор лойиҳаси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси ва БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси вакиллари ҳамда миллий экспертлар иштирокида муҳокама қилинди.

Дастур лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилган:

- 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб профессионал ва олий таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” бўйича ўқув ва махсус курслар жорий этилади;
- терговга қадар текширув, суриштирув, тергов органлари ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун қийноққа солишга қарши курашиш бўйича ўқув курслари доимий равишда ташкил этилади;
- раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглиги бўйича ўқув курслари жорий қилинади;
- инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича электрон платформа яратилади ва ушбу платформа орқали ўқув курслари ва семинар-тренингларни “онлайн” ўтказиш мумкин бўлади;
- “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар соҳасидаги таълим ва инновациялар” йиллик Миллий танлови ўтказиб борилади;
- ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқлари билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилотларда ўқув курслари ва семинар-тренинглар ташкиллаштирилади;

- “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари” туркум қўлланма ва рисолалар тайёрланиб, чоп этилади ва шу асосда семинар-тренинглар ўтказиб борилади;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказларида “Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги адабиётлар бурчаги” ташкил этилади. Унинг фонди доимий равишда халқаро шартномаларнинг давлат тилидаги нусхалари, соҳа бўйича ўқув, илмий-услубий ва халқаро нашрлар билан тўлдириб борилади.

2022 йилнинг **5–6 декабрь** кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессияси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида илгари сурган ташаббусларини амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида **“Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форуми** ташкил этилди.

Глобал форумда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон таълим дастурини амалга оширишнинг оралиқ натижалари сарҳисоб қилинди, бу соҳадаги илғор тажриба, амалиёт ва инновацион ёндашувларнинг тақдими ташкил этилди, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия тизимини халқаро, минтақавий ва миллий даражада такомиллаштириш бўйича фикр алмашилди ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Глобал форумда **120 дан ортиқ халқаро экспертлар ва 2000 дан ортиқ миллий ташкилотлар вакиллари** иштирок этди. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим бўйича адабиётлар қўرғазмасида инсон ҳуқуқлари таълимига бағишланган **250 га яқин** номдаги **мингдан ортиқ** китоб ва илмий журналлар намоиш этилди.

Жаҳоннинг турли университетларининг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларидаги олий таълим муассасалари педагоглари, талабалари, давлат органлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, жами **7000 дан ортиқ тингловчилар учун “инсон ҳуқуқлари бўйича маҳорат дарслари”** ташкил қилинди.



“Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форуми.
Самарқанд, 2022 йил 5-6 декабрь



GLOBAL FORUM ON HUMAN RIGHTS EDUCATION

“Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форуми рамзи

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги Янги Ўзбекистон сиёсати тўғрисида аҳолини ва халқаро жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Миллий ва жаҳон ахборот майдонларида 300 дан ортиқ ахборот ва ахборий-таҳлилий материаллар жойлаштирилди. Интернет ва ижтимоий тармоқларда Глобал форум материаллари 250 мингдан ортиқ мартаба кўрилди.

Глобал форумда Ўзбекистоннинг инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги сиёсати ва ташаббуслари, Янги Ўзбекистонда кейинги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар юқори баҳоланди.

Глобал форумнинг Якуний ҳужжати – **Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси** қабул қилинди.

Бугунги кунда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида инсон ҳуқуқлари соҳасида электрон курсларни жорий қилиш мақсадида электрон платформани ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Электрон платформада инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича материаллар жойлаштирилади.


Шунингдек, 2022 йил мобайнида Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя этиш масалаларига бағишланган **40 га** яқин амалий қўлланма, шарҳ ва услубий адабиётлар нашр этилди ҳамда **80 дан** ортиқ давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотларга тарқатилди.

БМТнинг **Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўзининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида** халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилувчи механизмларнинг тавсияларини амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ходимларини ўқитиш бўйича Ўзбекистон билан ҳамкорлигини ижобий баҳологан.

Ҳисоботда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан Ўзбекистоннинг ҳамкорликда амалга оширган тадбирлари тўғрисида маълумотлар қайд этиб ўтилган.

Жумладан:

200 нафарга яқин ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва қийноқларнинг олдини олиш бўйича халқаро мажбуриятларини амалга оширишга доир онлайн курсларда;



БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи

22 нафар инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар вакиллари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳаракатланиш эркинлиги чекланган муассасаларда мониторинг уюштириш ва ҳисоботларни таёрлашнинг халқаро амалиёт ва стандартлари юзасидан ўқув тренингларида;

50 нафарга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари инсон ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб этиш, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро механизмлар бўйича билимларни оширишга бағишланган вебинар ва тренингларда;

50 нафарга яқин ногиронлиги бўлган шахслар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, тегишли давлат органлари ва БМТ агентликлари вакиллари иштирокида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари бўйича қўшма дастур доирасида ташкил этилган тренингларда иштирок этган.

Бундан ташқари, ҳисоботда Ўзбекистон томонидан БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига, шу жумладан, “Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим” Глобал форумини ташкил этиш ва ўтказишга 100 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ўтказилганлиги қайд этиб ўтилган.

Давлат органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик ва қийноқларга қарши курашиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ташкил этилган ўқув курслари

2022 йил
26-27 май

Халқаро экспертлар иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун "Қийноққа солишга қарши курашиш: халқаро амалиёт ва миллий тажриба" мавзусида ўқув курслари ўтказилди.

2022 йил
15 июль

БМТнинг наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича Марказий Осиё ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда **Нельсон Мандела халқаро кунига** бағишланган давра-суҳбати ташкил қилинди.



Ўзбекистон Республикасидаги жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун "Озодликдан маҳрум қилиш жойларида гендер зўравонлигининг олдини олиш" мавзусида тренинг ўтказилди.

2022 йил
1-3 июнь

"Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати ва мазкур соҳада халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши масалалари" мавзусида 35 та вазирлик ва идораларнинг матбуот хизматлари ходимлари учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

2022 йил
19-20 май

V. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

2022 йилда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар, хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари билан ҳамкорлик янада ривожланди.

Халқаро ҳамкорлик турли шаклларда, жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларга қўшилиш ва уларни ратификация қилиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда икки томонлама тадбирларни ташкил қилиш, меморандумлар имзолаш ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалаларини ўрганиш бўйича мониторинглар ўтказиш шаклида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 2020 йилдаги 75-сессиясида билдирилган таклифга мувофиқ, 2022 йил 14 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан **“Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюция** бир овоздан маъқулланди. Резолюцияда COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмасликни таъминлашда парламентларнинг муҳим ўрни қайд этилган. Жумладан, унда хотин-қизларнинг қонун чиқарувчи органлар ишида ҳамда парламент жараёнларида тўлиқ, тенг ҳуқуқли ва таъсирчан иштирокига кўмаклашиш орқали БРМга эришишни жадаллаштиришга эътибор қаратилган.

Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистоннинг халқаро-ҳуқуқий ташаббусларини амалга ошириш мақсадида қатор халқаро, минтақавий ва миллий тадбирлар, маслаҳатлашувлар ташкил қилинди. **2022 йил 4 октябрда** БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 51-сессиясида **“Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари” резолюцияси** қабул қилинди. Ушбу резолюция 41та давлат, шу жумладан Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилиниб, унда ёшларнинг ўз мамлакатлари ривожланишидаги иштирокини кенгайтириш, улар



“Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюция



“Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари” резолюцияси

Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқларининг таъминланиши, пандемиянинг ёшлар ҳуқуқлари таъминланишига таъсири ва қонунчиликда ёшлар иштирокини кенгайтириш муаммолари **2022 йил 16 февраль** куни Тошкентда ўтказилган **“Ёшлар учун имконият ва ҳуқуқлар: пандемиядан кейинги оқибатлар” мавзусидаги Ўзбекистон-Британия Ёшлар форумида** муҳокама қилинди. Форум Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва Буюк Британиянинг “Глобал шериклик бошқаруви жамғармаси” нодавлат ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари юзасидан миллий маърузалари билан бир қаторда муқобил маърузаларнинг тайёрланиши ва тақдим қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимларининг муқобил маърузаларни тайёрлаш бўйича малакасини оширишга аҳамият берилди. Шунга мувофиқ, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида **2022 йил 12-13 апрель** кунлари **“Ўзбекистон Республикасининг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга риоя этиши юзасидан муқобил маъруза тайёрлашда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг салоҳиятини ошириш”** мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Тренинг давомида “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция – ҳуқуқ стандартлари ва унсурлари”, “БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг миллий маърузаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолияти таҳлили”, “Муқобил маърузаларни тайёрлашга доир талаблар” каби мавзулар муҳокама қилинди.

учун тенг имкониятлар яратиш, ёшларни виртуал оламдаги таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ёшлар учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича ташаббусларни илгари суриш, ёшларнинг ўз ҳаёт тарзига таъсир ўтказадиган қарорларни қабул қилишда қатнашиши каби масалалар ифодаланган.

2022 йил 7 февралда Халқаро меҳнат ташкилотининг **Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сонли конвенцияси** ратификация қилинди. Мазкур конвенциянинг ратификация қилиниши меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича халқаро стандартларни самарали жорий этишга хизмат қилади.

Болаларга алимент ундириш ва оилани таъминлашнинг бошқа шаклларининг халқаро тартиби тўғрисидаги **Гаага конвенциясига** Ўзбекистон Республикаси қўшилишининг мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда мазкур халқаро ҳужжатга қўшилиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда белгиланган тартибда келишиш жараёнлари олиб борилмоқда.

2022 йил 6 июнь куни БМТнинг Қочоқлар бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда **“Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳимояга муҳтож бўлиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан вақтинчалик чора-тадбирларни белгилаш ва йўналтириш амалиётини жорий этиш масалалари”** мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳимояга муҳтож бўлиши мумкин бўлган шахсларга вақтинчалик чора-тадбирларни белгилаш масаласи муҳокама қилинди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида хорижий давлатларнинг миллий институтлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик меморандумлари тузилди. Уларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш йўналишидаги фаолиятни биргаликда қўллаб-қувватлаш, мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш, қўшма ўқувлар ва семинарлар, илмий тадқиқотлар ўтказиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш соҳасида халқаро ва минтақавий механизмларда ҳамкорлик қилиш назарда тутилган.

Жумладан:

2022 йил 25 март куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан **Фридрих Эберт жамғармасининг** Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида **англашув меморандуми** имзоланди;


2022 йил 29 март куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан **Италиянинг регионлар ва автоном провинциялар омбудсманларини мувофиқлаштириш Миллий кенгаши** ўртасида **англашув меморандуми** имзоланди;

2022 йил 12 май куни Туркиянинг Бурса шаҳрида **Туркий давлатлар ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари ва омбудсманлари ассоциацияси** таъсис этилди. Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакиллари ва Ўзбекистон Республикаси Омбудсмани иштирок этиб, **Туркий давлатлар ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари ва омбудсманлари ассоциацияси меморандуми** имзоланди;

2022 йил 24 май куни Жидда шаҳрида **“Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг роли”** мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Тадбир доирасида **Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси** ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўртасида **ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум** имзолаш маросими бўлиб ўтди;

2022 йилнинг 6–10 июнь кунлари Туркиянинг Инсон ҳуқуқлари ва тенглик кенгаши раиси **Мухаррем Қилич** бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Мазкур ташриф муносабати билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан **“Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим: Ўзбекистон ва Туркия тажрибаси”** мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва **Туркиянинг Инсон ҳуқуқлари ва тенглик институти** ўртасида **ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум** имзоланди.

2022 йил 18 август куни Ар-Риёд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва **Саудия Арабистони Подшоҳлиги Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси** ўртасида **англашув меморандуми** имзоланди.



МЕМОРАНДУМЛАР



Хорижий мамлакатларда Ўзбекистон фуқароларининг, шу жумладан меҳнат мигрантлари ҳуқуқларининг ҳимоя қилинганлиги ҳолатини ўрганиш мақсадида мониторинг ташрифлари амалга оширилди.

Жумладан:

1. 2022 йил 14 май куни Марказ ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ходимлари Ўзбекистоннинг Истанбулдаги Бош консули иштирокида ушбу мамлакатда яшаётган ва меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган Ўзбекистон фуқаролари билан учрашув ташкил қилди. Учрашувда ўзбекистонлик мигрантлардан таълим, соғлиқни сақлаш, иш билан таъминланиш, моддий ёрдам, фуқароликни расмийлаштириш каби масалаларда мурожаатлар қабул қилиб олинди. Ўзбекистонлик мигрантларнинг айрим муаммолари жойида тезкор ҳал қилинди.

2. 2022 йил 31 октябрь – 2 ноябрь кунлари меҳнат миграцияси соҳасида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳукуматлараро битимнинг бажарилишини мониторинг қилиш мақсадида Ўзбекистон делегациясининг Қозоғистон Республикасига ташрифи амалга оширилди. Мониторинг ташрифи давомида Остона, Олмаота ва Усть-Каменогорск шаҳарларида мигрантларнинг ҳуқуқларини таъминлашга мутасадди бўлган давлат органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ҳамда ноҳукумат ташкилотларнинг фаолияти ўрганилди, ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари ва Қозоғистонлик иш берувчилар билан суҳбатлар уюштирилди.

Ташриф давомида ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ қуйидаги муаммолар аниқланди:

Биринчидан, одатда хориждаги мигрантлар учун квота тизими юқори малака, муайян соҳадаги иш тажрибаси ёки олий маълумотни талаб қилади, шунингдек, иш берувчилар меҳнат мигрантларини ишга ёллаш учун тўланадиган солиқлар ҳажмини юқори деб баҳолаб, ишга норасмий ёллашни афзал кўришади. Натижада ноқонуний миграция салмоғи катта бўлиб қолмоқда.

Иккинчидан, жаҳонда юз бераётган уруш ва инқирозлар меҳнат мигрантларининг ижтимоий ва иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, айрим хорижий давлатларда меҳнат мигрантларининг ҳуқуқий ҳолати ва уларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик такомиллаштиришни талаб қилади.

Меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини кучайтириш бўйича қуйидаги йўналишдаги чора-тадбирлар таклиф қилинмоқда:

биринчидан, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган халқаро, минтақавий ва давлатлараро доимий маслаҳатлашувлар механизмини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, ишончли хорижий иш берувчиларнинг ягона маълумотлар базасини кенгайтириш, уни доимий янгилаб бориш, хорижий мамлакатлар меҳнат бозорида талаб мавжуд бўлган мутахассисларнинг ягона малака стандартларини шакллантириш, иш берувчилар ва меҳнат мигрантлари ўртасидаги алоқа механизмини янада такомиллаштириш талаб қилинади.

2022 йилда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар

2022 йил 16 февраль

Тошкент шаҳрида
“Ёшлар учун имконият ва ҳуқуқлар:
пандемиядан кейинги оқибатлар” мавзусидаги
Ўзбекистон-Британия Ёшлар форуми ўтказилди.
Форум Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистоннинг
халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича
Парламент комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича
Миллий марказ ва Буюк Британиянинг
“Глобал шериклик бошқаруви жамғармаси”
нодавлат ташкилоти билан
ҳамкорликда ташкил этилди.

2022 йил 12-13 апрель

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича
Олий комиссари бошқармасининг
Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси
билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида
“Ўзбекистон Республикасининг Ногиронлар
ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга
риоя этиши юзасидан муқобил маъруза
тайёрлашда нодавлат нотижорат
ташкилотларнинг салоҳиятини
ошириш” мавзусида
семинар-тренинг ўтказилди.

2022 йил 6 июнь

БМТнинг Қочоқлар бўйича
Олий комиссари бошқармасининг
Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси
билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасида
халқаро ҳимояга муҳтож бўлиши мумкин
бўлган шахсларга нисбатан вақтинчалик
чора-тадбирларни белгилаш ва йўналтириш
амалиётини жорий этиш масалалари”
мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

VI. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

2022 йилда бутун жаҳонда юз бераётган иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, COVID-19 пандемияси ва иқлим ўзгариши оқибатлари, тинчлик ва хавфсизликка таҳдидларга қарамасдан Ўзбекистонда инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш, бунда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни самарали қўллаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётган муаммолар мавжуд:

биринчидан, ижтимоий ҳимоя соҳасини халқаро стандартлар ва етакчи хорижий тажрибадан келиб чиқиб такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига комплекс давлат хизматлари тизимини ривожлантириш, давлат органлари ва ташкилотларининг ижтимоий хизмат функцияларини мақбуллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳақида ягона маълумотлар базаси ҳамда статистик маълумотларни юритишни йўлга қўйиш зарур;

иккинчидан, ногиронларнинг давлат хизматлари ва объектларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чораларини кўриш, барча даражадаги инклюзив таълимни таъминлаш, таълим муассасаларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилган ўқув воситалари билан жиҳозлаш ва педагоглар учун тегишли тайёргарликни таъминлаш лозим;

учинчидан, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўшимча механизмларини ишлаб чиқиш зарур, бунда болаларни, айниқса, ногиронлиги бўлган болаларни муқобил парваришлашда оилани қўллаб-қувватлашни кучайтириш бўйича ишларни фаоллаштириш талаб қилинади;

тўртинчидан, гендер тенглик, жумладан хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, жамият ҳаётида, бошқарувда хотин-қизлар мавқеини ошириш, тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларга қарамасдан, гендер зўравонлик, айниқса, оиладаги зўравонлик даражаси юқорилигича қолмоқда (2022 йилда хотин-қизларга нисбатан қайд этилган 41 598 та тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг 82,2 фоизи оилаларда содир этилган);

бешинчидан, қийноқлар билан боғлиқ жиноятларнинг барвақт олди олинishiга, қийноқ ҳолатлари содир этилишига имкон берган омилларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган миллий превентив механизм фаолиятини алоҳида қонун билан тартибга солиш талаб қилинади;

олтинчидан, хусусий компанияларни ўз фаолияти натижасида фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини бузганлиги учун қонуний жавобгарликка тортиш чораларини кўриш ва жабрланувчиларни тегишли ҳимоя воситалари билан таъминлаш талаб қилинади;

еттинчидан, таълим муносабатларини тартибга солиш ҳуқуқий нормалар тарқоқ бўлиб, 100 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бундай ҳолат ўқитувчи-педагоглар ва талабаларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлашда муайян номувофиқликлар ва норматив ихтилофларни келтириб чиқаради. Бунинг олдини олиш учун таълим тўғрисидаги қонунчиликни тизимлаштириш талаб қилинади;

саккизинчидан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини қўллаш амалиёти йўлга қўйилмаганлиги БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталари томонидан эътирозларга олиб келмоқда.

2023 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллиги ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури қабул қилинганлигининг 30 йиллиги халқаро ҳамжамият томонидан кенг нишонланади. Бунда халқаро, минтақавий ва миллий тадбирлар ўтказиш, инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-маърифий ҳамда таълим-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар ва болалар учун дарслик, қўлланма ва бошқа адабиётларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг тавсияларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни самарали бажаришга эришиш мақсадида қуйидагилар **таклиф этилмоқда**:

1. **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини** нишонлаш бўйича чора-тадбирлар Дастурини қабул қилиш;

2. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш;

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот кодекси ва Аҳолининг соғлиғини сақлаш кодекси лойиҳаларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш;

4. **“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонуний асосларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги** қонунни қабул қилиш;

5. Таълимга оид қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириб, **Таълим кодекси** лойиҳасини ишлаб чиқиш;

6. Ижтимоий объектлар, маданий-кўнгилочар ташкилотлар ва спорт иншоотларидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг фойдаланиши учун тегишли шарт-шароитларни яратиш, пиёдалар йўлакларни, йўловчилар учун бекатлар ва пиёдалар ўтиш жойларида овоз ва ёритиш мосламаларини ўрнатишни тартибга солиш чора-тадбирларини назарда тутувчи **“Қулай жисмоний муҳит”** давлат дастурини қабул қилиш;

7. Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришни деинституционализация қилиш бўйича Миллий стратегияни тайёрлаш ҳамда **“Етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги** қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;

8. БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш қўмитаси тавсиясига асосан “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунга “оиладаги зўравонлик” тушунчасини киритиш ва оиладаги зўравонлик учун алоҳида жиноят таркиби сифатида жавобгарлик белгилаш;

9. Халқаро меҳнат ташкилотининг 1981 йилги **Оилавий масъулияти бор ишчилар тўғрисидаги** (156-сон) конвенциясини ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш;

10. Хусусий компаниялар фаолиятида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва ҳимоя қилиш асослари тўғрисида хабардорликни ошириш учун ахборот кампаниясини ҳамда тадбиркорлар учун тегишли ўқув курсларини ташкил қилиш. БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тадбиркорлик фаолиятининг дастуриламал тамойиллари”ни амалга ошириш бўйича **Миллий ҳаракатлар режасини** қабул қилиш;

11. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларни қўллаш амалиётини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.

«Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» кутубхонаси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРГА
РИОЯ ҚИЛИНИШИНING
ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
АХБОРОТ**

Чоп этишга 2023 йил 10 январда рухсат берилди.

Бичими 60 x 84 1/8.

«PT Serif» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табағи 4,3. Нашр табағи 2,5.

Адади 100 нусха. Буюртма № 1.

Инсон ҳуқуқлари бўйича

Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида чоп этилди.

100029, Тошкент, Ислон Каримов кўчаси, 15.